
ФАРҒОНА ТУМАНИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Айни кунларда ҳудудларда бўлиб ўтаётган Ёшлар форуми доирасида бугун Фарғона туманининг “Дилкушо” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган фестивалда уюлмаган ёшлар, туман аҳли иштирок этди.

Дастлаб “Соғлом ҳаёт сари 5 минг қадам” юриш марафонига старт берилиб, уч мингдан зиёд ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинди. Шахмат-шашка, арқон тортиш, тош кўтариш, стол тенниси мусобақалари қизғин баҳслар остида кечди. Айниқса, ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари, ҳарбий қурол ва техникаларнинг намоиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Санъаткорларнинг концерт дастури дилларга хушнудлик улашди.

“Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ўғил-қизларнинг таклиф ва ташаббусларига бой бўлди. Олий ўқув юртларига ўқишга кирган 42 нафар ёшларга контракт пули тўлаб берилганлиги ҳақида сертификат, 12 нафарига тикув машинаси, печ, ўт ўриш аппарати субсидия асосида топширилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда “Ёшлар дафтари”га кирган 4 минг 305 нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Маҳаллалардаги 1 минг 300 дан ортиқ ишсиз ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ер майдонлари ажратилиб, даромад топишига кўмаклашилди. Тадбиркорлик қилиш истагидаги 161 нафарига кредит олишда ёрдам берилди. 1 минг 342 нафари тумандаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди. 459 нафарига субсидиялар ажратилиб, турли жиҳозлар олиб берилди. Умуман олганда, олиб борилган амалий ишлар натижасида 4 минг 146 нафари “Ёшлар дафтари”дан чиқаришига эришилди. “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 97 нафар талабанинг контракт пули тўлаб берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-16 16:37:43